

Зухра Мамадалиева,
Жиззах давлат педагогика университети
доценти, филология фанлари номзоди

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА МУҚБИЛ ВА МУБДИР ОБРАЗЛАРИНИНГ РАМЗИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада рамз тушунчаси шарҳланган, рамзий образлар ҳақида сўз юритилган. Алишер Навоий “Хамса”сидаги рамзий образлар, хусусан Муқбил ва Мубдир сайёр образларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тўхталиб ўтилган. Образнинг фольклор ва мумтоз адабиётдаги тадрижий ривож таҳлил қилинган. Навоий ижоди, хусусан “Хамса”да ва “Лисон ут-тайр”даги вариантлари ва уларнинг ўзига хослиги ўрганилган.

Калит сўзлар: Рамзийлик, сайёр образлар, Муқбил, Мубдир, Алишер Навоий “Хамса”.

Аннотация: В данной статье объясняется понятие символа, рассказывается о символических образах. Алишер Навои рассуждает об особенностях символических образов в «Хамсе», в частности Мукбиля и Мубдира. Анализируется постепенное развитие образа в фольклоре и классической литературе. Изучено творчество Навои, особенно его варианты в «Хамсе» и «Лисон ут-Тайр», их своеобразие.

Ключевые слова: Символизм, путевые образы, Мукбиль, Мубдир, Алишер Навои «Хамса».

Abstract: This article explains the concept of a symbol and talks about symbolic images. Alisher Navoi discusses the features of symbolic images in the Khamsa, in particular Mukbil and Mubdir. The gradual development of the image in folklore and classical literature is analyzed. The work of Navoi has been studied, especially his variants in “Khamsa” and “Lison ut-Tayr”, their originality.

Key words: Symbolism, travel images, Mukbil, Mubdir, Alisher Navoi “Khamsa”.

Кириш. Ўзбек, умуман жаҳон мумтоз адабиётида рамзийлик тушунчаси мумтоз матнни таҳлил қилишда муҳим омил бўлиши билан биргаликда унинг таркибий қисми, шакл ва ғояни боғлаб турувчи унсур сифатида ҳам эътиборга моликдир. Умуман, рамз – символ истилоҳлари нафақат адабиёт, балки муайян миллат ва халқ умуммаданиятининг ажралмас бир қисми сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Рамз тушунчаси бадий образ, аллегория, бадий тропа каби категориялар билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, ўзининг кенг қамровли маъноси билан улардан фарқ қилади ;

немис файласуфи И. Кант символ – бу санъат ғояларни яратишнинг интуитив усули бўлиб, одатда рамзий хусусиятга эгадир,- дейди.[6] А.Ф.Лосев рамзни “ғоя ва нарсанинг субстационал ўхшашлиги” деб таърифлаган. [4:635] “Ҳар бир белги тасвирни ўз ичига олади, чунки у тасвир билан ажралмас тарзда бирлашган, аммо унга ўхшаш бўлмаган маълум бир маънонинг мавжудлигини англатади. Тасвир ва маъно бир-бирисиз тасаввур қилиб бўлмайдиган рамзнинг иккита элементини ташкил қилади. Шунинг учун рамзлар рамз сифатида (нарсаси сифатида эмас) фақат талқинлар доирасида мавжуд.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Руҳшунос Зигмунд Фрейд рамз ва рамзийликни аввал инсон руҳиятида, аниқроқи онг ости қатламларида пайдо бўлиб, тушларда намоёнлашган, кейин унинг акси бўлган адабиётга ўтган ҳодиса сифатида таърифлайди: “...тушларни таҳлил қилишда англаб бериш, айниқса, жинсий комплексларнинг таъсирида маълум рамзийликка таянади. Бу рамзийликнинг бир қисми ҳар бир одам учун индивидуал - фарқли, бир қисми эса ҳамма учун бир хил бўлган типик кўринишга эга бўлиб, назаримизда у афсона ва эртакларимизда ишлатилган рамзийлик билан мос тушади. Халқларнинг бу поэтик асарлари тушлар ёрдамида тушунилиши мумкин”. [8:91] Бу фикрни Фрейднинг издоши Фромм ривожлантиради: “Турли одамлар турлича туш кўрганидек, афсоналар ҳам турлича яратилган. Шунга қарамай уларда умумийлик бор – улар рамзий тилда яратилган.

Бобилликлар, ҳиндулар, мисрликлар, яҳудийлар, юнонлар яратган афсоналар худди ашанти ва туруклар афсоналари каби айнан бир хил тилда яратилган”. [9:42] Фромм рамзларни уч гуруҳга бўлиб, шартли, тасодифий ва умумий рамзлар деб атади. Шу ўринда балки қадим афсоналарнинг ҳам бир-бирига ўхшашлиги, сайёр образ ва сюжетлар масаласини мана шундай қарашлар воситасида таҳлил қилиш ўринлидир.

Машҳур олим Азизиддин Насафий “Комил инсон китоби”да рамзий фикрлаш ҳодисаси фалсафа илмида ҳам кенг қўлланилганлигини исботлайди: “Баъзи солиқлар айтмишларким, биз сайқалийлар ҳунарини ўрганамиз. Кўнгул кўзгусини мужоҳада эгови ва зикр ёғи ёрдамида сайқал бериш йўли билан пок ва мусаффо этурмиз. Кўнгул кўзгуси покиза ва мусаффо бўлганидан сўнг ғайб ва шаҳодат оламида нимаики илм бўлса, унинг акси бизнинг кўнглимизда жило топар”. [5:77] Бу ўринда рамзий фикрлаш файласуф фикрларини нафақат осон ва енгил тушунтириш учун, балки уни эмоционал таъсирчан қилиб етказиш учун ҳам хизмат қилмоқда.

“Тасаввуф истилоҳлари шарҳи”да рамз ҳақидаги маълумот ҳам соф тасаввуфий ҳисобланади: “РАМЗ – сўз зоҳирининг замирида яширинган ва аҳли дилдан ўзга киши англай олмайдиган яширин маъно”. [11:233]

Демак, рамз адабий луғатларда мураккаб ва мавҳум воқелик ёки нарсаларнинг ҳодисани конкретлаштириш, осонроқ тушунириш учун хизмат қилган дейилган бўлса, тасаввуфий луғатларда эса аксинча, сўз пардасига ўраш, яшириш, махфийлаштириш, хуллас, оддийни мураккабга айлантириш учун восита бўлган. Балки сўфийларнинг сирни сақлаш ғояси бундай рамзий сўзлашга сабаб бўлгандир.

Рамз тасвирий ва амалий санъатда, халқ маросим ва урф-одатларида, давлат ва миллат, аслзодаларнинг оилавий ва сулолавий белгилари сифатида ҳам қўлланилган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, биз ушбу мақолада рамз ва мажозни адабий истилоҳ сифатида ва фақат образларга нисбатан татбиқ этамиз. Рамзий асарларнинг тағмаёносини билиш эса хос адабиёт ихлосмандларининг иши бўлиб, данакни чақиб, мағизини ейишга ўхшаш маълум тажриба, меҳнат талаб қиладиган ва оқибатда роҳат бахш этадиган фаолиятдир. Бунинг учун эса ундаги образларнинг рамзийлик ёки мажозийлик хусусиятини билиш тақозо этилади.

Натижалар. Муқбил ва Мудбир образлари ҳам Навоий ижодида анчайин аҳамиятга эга бўлган, тадрижий тарзда такомиллашган сайёр образлар қаторига киради.

Ушбу образларнинг тарихи ва келиб чиқиши ҳақида сўз юритган профессор С.Ҳасанов “Сабъаи сайёр”га бағишланган “Навоийнинг етти тухфаси” рисоласида қуйидагича фикр билдириб: “Бу образнинг типологик илдизлари ҳақида гапирадиган бўлсак, улар ҳозирги кунда ҳам Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган халқ эртакларидан ўрин олганлигини яққол кўрамыз” [10:140], дейди. Дарҳақиқат яхши ва ёмоннинг ёнма-ён йўлдош бўлиши, лекин бу йўлдошларнинг қалбидаги нияти туфайли бирининг муродга етиши ва бирининг заволга юз тутиши кўплаб халқ эртакларида асосий сюжет линиясини ташкил этади. Ҳатто халқ эртакларидан ҳам олдинроққа – мифологияга бориб тақалади бу образларнинг илдизи. Яъни, зардуштийлик мифологиясида эзгулик яратгувчиси Хурмуз ёвузлик рамзи Аҳриман билан эгизак ҳолда тасаввур қилинган.

Мудбир сўзи иши орқага кетган, бахтсиз деган маънони билдиради ва Навоий лирикасида шундай маънода қўлланилади. “Ғаройиб ус-сиғар”да шу мазмундаги байт бор:

Мудбире топтуқ Навоийни саломатдин йироқ,

Кўрким, ул не навъу не янглиғ жаҳонда шуҳрати. [1:358]

Яъни: *Навоийда ишқ йўлида соғлигидан ажралган ва иши юришмаган ҳолда кўрдик, ўзи қандай, жаҳонда қандай шуҳрат қозонганлигини кўринглар энди!* Муқбил ва Мудбир сайёр образлар сифатида Навоий лирикасида биргаликда қўлланилди ҳам кўринади. “Бадоеъ ул-васат”да ўқиймиз:

Қуллугунг доғидин ўлсам, истамон озодлиқ

Ким, бу тамгадур нишони Мудбиру Муқбил аро.[2:47]

Яъни қуллинг билан ўлсам ҳам озодлик истамайман, демоқда Навоий лирик қаҳрамон тилидан маъшуқасига қарата, бу тамға (яъни қуллик)нинг нишони Муқбилга ҳам Мудбирга (яъни яхши ва ёмонга) ҳам бирдек берилган.

Муҳокама. Биз бу қаҳрамонга илк бор “Ҳайрат ул-аброр”да дуч келамиз. Достоннинг “Саҳобдек нафъ расонлар бободаким” деб бошланган ўн учинчи мақолатида, Навоий Оллоҳнинг қарами ҳақида сўз юритиб, Мудбирни ҳам бахтиёр қилиш унинг ихтиёридадир, дейди:

Бўлса киши мудбир агар бахтиёр,

Ўзига бу амрда не ихтиёр?

Яъни: агар иши орқага кетган бечора ҳам бахтга ёр бўлса, бу ҳам Оллоҳнинг ишидир. Бундай ишда унинг ўзида бирор ихтиёр йўқдир!

Низомийнинг “Панж ганж”идаги “Ҳафт пайкар” достонида олтинчи – сандал рангли қасрдаги гўзал “Ҳайр ва Шарр” (яхши ва ёмон) ҳақида ҳикоя сўзлайди. Ҳикоя мотиви ва ундаги Шарр образи Мудбирга яқин туради. Ўз-ўзидан Ҳайр образи эса Муқбилга яқин туради-ки, бу ҳикоят Навоийга таъсир ўтказганлигини тахмин қилса бўлади.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг “Қаноат бобидаким...” деб номланган еттинчи мақолатга илова тарзида келтирилган ҳикоятда Навоий Форсдан Чинга томон йўл олган қаноатли ва қаноатсиз икки йўлдош ҳақда сўз юритади. Улар йўлда бир тошга дуч келадилар. Унда шундай сўзлар ёзилган эди:

«Ким киши гар эмгак ўтин ёндурур,

Тошни яна юзига айландурур.

Анда битиклик дурур афсонаэ,

Ким бу навоҳий аро вайронаэ.

Борки, остида эрур турфа ганж,

Олғай ани ҳар киши кўрса бу ранж”.

Қаноатсиз тош тагини кавлашга киришди, қаноатли эса сабр қилди ва йўлида давом этди. Натижада шаҳарга подшо бўлишга эришди. Қаноатсиз эса тошни кавлаб ағдарса, тагидан «Хом тамаъ даҳрда ранжур эрур» деб ёзиб қўйилган эди. Улуғ шоир гарчи уларга ном бермаган бўлса-да, лекин уларнинг характер саъжияси ва амали Муқбил ва Мудбирни эслатади ва дарҳақиқат халқ эртақларидан таъсирланилганлиги кўриниб турибди.

“Сабъаи сайёр” достонидаги сандалиий қасрда олтинчи иқлимдан келган сайёҳ томонидан Баҳромга сўзлаб берилган ҳикояда Муқбил ва Мудбир ҳақида сўз кетади. Бу

икки йўловчи бохтардан Ховарга қараб йўлга тушдилар. Навоий уларни китобхонига таништирар экан, характерини ҳам баён этади:

*Муқбил озодаи ҳумоюн фол,
Элга мақбул этиб ани иқбол.*

*Мудбир андоққи борса ҳар сори,
Ултуруб юзда гарди идбори.*

Муқбил озод ва бахтга эришишга лойиқ одам эди. Уни иқболи одамларга манзур қилиб қўйганди. Мудбир эса қаерга борса юзидан омадсизлик гарди ёғилиб турарди.

Улар бир манзилга дуч келдилар. Бу манзилда Муқбил сувга чўмиб, ажойиб-ғаройиботларни кўрди. Мудбир эса сувга туша олмади. Омадсиз ва ёвузлиги шу ерда ҳам панд берди.

Ҳикоятда Мудбирнинг қийинчиликларга сабрсиз, дўстга садоқатсиз, имонсиз ва ёлғончи эканлиги, ахир-оқибат бу хусусиятлари ўз бошига бало бўлиши – ёлғон қасами туфайли қорни ёрилиб, ўлиши тасвирланади (балки халқимиз орасида ёлғончига нисбатан “ёриласан-ов”, “ёрилганинг яхши” ибораларининг илдизи шунга бориб тақалар). Муқбил эса аксинча, у тақводор, сабрли ва тўғрисиўз бўлганлиги учун подшонинг эътиборига сазовор бўлиб, унга куёв ва меросхўр бўлади. Муҳими, чашма ичида кўргани ва ишқида ёнгани гўзал маликанинг висолига, яъни ўзининг ниятига эришади.

“Лисон ут-тайр” достонининг 35- бобида, яъни Ҳудҳуднинг Тазарвга жавобига исботи тариқасида берилган ҳикоятда Навоий яна ушбу қаҳрамонларига мурожаат қилади. Ҳудҳуд уларни қушларга (Навоий ўз китобхонига) таништирар экан:

*— Туштилар бир йўл аро икки рафиқ,
Бир эди йўлсиз, бири соҳиб тариқ.*

Яъни бири йўлини топган, иккинчиси йўлдан адашган эди, дейди.

Шу байтдаёқ ҳикоят персонажларининг қандайлигини билиш мумкин.

Хуллас, яна шу икки ҳамроҳ бирга йўлга чиқадилар. Умуман, Навоий ижодида қўлланилган бу икки персонаж иштирокидаги барча ҳикоятларда воқеа йўл ва сафарда бўлиб ўтади. Бу ҳолат халқимиз орасида “одамнинг қандайлиги сафарда билинади” деган ҳикматли сўзнинг исботи тариқасида ҳам қўлланилади.

*Муқбил айтур эрди аҳлиллоҳдин,
Динда хайли комилу огоҳдин.*

*Аҳли нуқсондин эди Мудбирга сўз,
Ўйлаким бут васфидин кофирга сўз.*

Яъни: Муқбил йўл давомида Оллоҳга яқин бўлганлар аҳлидан гапирар, динда огоҳ ва комиллардан сўз очар, Мудбир эса ўз номига монанд нуқсонлилардан сўзлар ва бу ҳолат худди кофирнинг бутни васф қилишига ўхшарди.

Йўлда уларнинг бундай қилмиши кимлигини ва айна пайтда қандай қисматга муносиб эканликларини ойдинлаштириб боради. Сафарда ҳам бир-бирини ҳушламаган бу икки йўлдош биринчи учраган шаҳарга келиб ажралишадилар.

Муқбил фақр уйига, яъни дарвешлар даргоҳига боради. Унинг зиёратига подшо келади ва унга иззат-ҳурмат кўрсатади.

Мудбир яна ўз исмига монанд “байт ул-латаф” (фаҳш уйи)га боради. У ерда май ичиб, бир кишини ўлдириб қўяди. Натижада, ўзи ҳам жазо тариқасида қатл этилади:

Худ шиканга етти ул олий мақом,

Худнамо топти бу янглиг интиқом.

Хулосада Навоий Муқбилни худшикан, яъни ўзлигини енга олган ва Мудбирни худбин демоқда. Ушбу ҳикоятда ҳар икки персонажнинг янги хусусияти намоён бўлмоқда.

“Маҳбуб ул-қулуб” асарининг “Тавозуъ ва адаб зикрида” деб номланган олтинчи бобида Навоий яна бу икки қаҳрамонига мурожаат қилади. *“Иттифоқо икки ҳамроҳ: бири гофил ва бири огоҳ. Гофил жаҳл юзидин худписанд, огоҳ тавозуъ ва адаб зеваридин аржуманд. Бирининг исми Мудбири жаҳонгард ва бирининг оти Муқбили жавонмард”*. [3:46] Ушбу кичик ҳикоятда ҳам Мудбир ва Муқбил икки йўлдош, йўловчи сифатида тасвирланади. Улар бир биёбонда одамларни бошлаб юрувчи кишини кўрдилар. Мудбир такаббурлик қилиб, унга қиё боқмади. Муқбил одамгарчилик юзасидан бош эгиб, салом берди. Ва ногоҳ ерда ётган бир гавҳар жавоҳирни кўрди. Гавҳарни эгаси олиб бергани учун у подшоҳнинг эътиборига тушди ва катта эҳсонга сазовор бўлди. Мудбир эса такаббурлиги натжасида бора-бора ҳаммомда гўлаҳ бўлди.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, Муқбил ва Мудбир деталь образлари ҳам Навоий ижодига ғаройиб тараққиёт йўлини босиб ўтди. Яъни, “Ҳайрат ул-аброр”да бир сўз билан уларга мурожаат қилган Навоий “Сабъаи сайёр”да уларни мустақил ҳикоят қаҳрамони даражасига етказди. Уларнинг камолоти ва заволи ҳамда бунинг сабабларидан мукаммал маълумот беради. Бунга Муқбилнинг сабрли, тақводор ва ростгўйлиги, Мудбирнинг эса аксинча, сабрсиз, имонсиз ва ёлғончилигини сабаб қилиб кўрсатади.

“Лисон ут-тайр”даги нисбатан кичикроқ ҳикояда уларнинг маиший ахлоқлари сабаб камолот ва ҳалокатга йўлиққанларини тасвирлайди. “Маҳбуб ул-қулуб”даги кичик ҳикоятда эса уларнинг ажрига камтарлик ва такаббурликни сабаб қилиб кўрсатади. Демак, ҳар уч ҳикоятда образнинг турли қирралари намоён бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 3-жилд. Тошкент: Фан, 2000.
2. Алишер Навоий. Бадоеъ ул-васат. МАТ. Тошкент:Фан, 1994.
3. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ 14-том. Тошкент: Фан, 1998. –
4. [Лосев А. Ф.](#). Очерки античного символизма и мифологии. — М.: [Наука](#), 1993.
5. Насафий Азизиддин. Комил инсон китоби. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2021.
6. [Немецкая классическая Эстетика](#). Дата обращения: 4 июля 2011. Архивировано из [оригинала](#) 7 января 2008 года.
7. [Символика эзотерических учений. История символики](#). Дата обращения: 4 июля 2011. [Архивировано](#) 10 июня 2011 года.
8. Фрейд З. Психоанализ ҳақида бешта маъруза. Таржимон ва кириш сўз ҳамда глоссарий муаллифи: Х. М. Алимов.–Тошкент:Muhammad, 2019.-
9. Фром Эрих. Инсон қалби. Унинг ёвузлик ва эзгуликка бўлган лаёқати. Рус тилидан А.Адбуқодиров таржимаси. –Тошкент: O'zbekiston, 2016. –
10. Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991.
11. Ҳаққулов И., Бектош А. Тасаввуф истелоҳлари шарҳи / Кубро Н.Тасаввуфий ҳаёт. –Тошкент: Мовороуннаҳр, 2004.